

**МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАШКИЛОТЛАРДА ТЎҒРИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ****Хасанов Жаҳонгир Муратович***“Урганчтрансгаз” унитар корхонаси**Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўлими бошлиғи*

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини асосий йўналишларидан бири бу ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш саналади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз албатта Қонун ва Қонуни ости ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишимиз, доимо уларни тўлиқ таҳлил қилиб боришимиз, иш берувчини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишимиз ҳамда иш ўринларини меҳнат шароитини аттестациядан ўтказиш ишларини ўз вақтида ва сифатли олиб боришимиз керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 06 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида Низоми” иш жойларида бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган. Бахтсиз ҳодисалар ҳамда касбий кассалликларни ўз вақтида текшириш, ҳисобга олиш ва тўлиқ таҳлил қилиш улар юзага келган вазиятни ҳамда сабабларини ҳар томонлама ўрганиш, камчиликларни аниқлаш ва кейинчалик уларни содир бўлишини олдини олиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилади. Шу билан бирга ташкилотларда рўй берадиган бахтсиз ҳодисаларни самарали бошқариш ва уларни олдини олиш имкониятини беради, бу эса иш жойларидаги умумий хавфсизлик даражасини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари” иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартибини белгилайди, шу билан бирга ушбу қарор иш берувчиларнинг молиявий ва ҳуқуқий жавобгарликларини оширади. Ушбу қарорда мажбурий суғурта қилиш ҳамда аннуитетлар (шартномага кўра жорий қилинган тўловлар тарзида суғурта товон пулини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс) шартномаларини тузиш ва уларни амал қилиш муддатларини ўзгартириш, шартнома бўйича суғурта мукофотини тўлаш, етказилган зарар миқдорини белгилаш ва суғурта товонларини тўлаш бўйича тартибларни белгилайди. Бу қарор орқали иш берувчиларга ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ мажбуриятлар юклатилган бўлиб, бунинг натижасида иш берувчилар меҳнат муҳофазаси бўйича хавфсизлик чоралари ва шароитларини яхшилашга катта эътибор берадилар. Қарор ижроси таъминланиши замирида иш жойларида хавфсизлик чоралари кучайтирилади ва ходимлар учун хавфсиз иш шароитлари яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилигини юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низоми” ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни ташкил этишга доир

амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини янада ошириш, иш ўринларини меҳнат шароитларини баҳолаш ҳамда ноқулай, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш шу билан ходимларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва компенсацияларни белгилаш ҳамда ходимларни шулар тўғрисида хабардор қилиш ва касбий хавфларни баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилган. Иш ўринларини меҳнат шароитларини аттестациядан ўтказиш орқали корхоналар иш ўринларидаги хавф омилларини аниқлайди ва уларни камайитиришга қаратилган чораларни амалга оширади, бу эса ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигини таъминлайди, бахтсиз ҳодисалар сонини камайитиришга ёрдам беради ва умумий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига олиб келади.

Ушбу қарорлар, Ўзбекистоннинг меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилигини анча такомиллаштиришга ёрдам берди ва ташкилотлар ҳамда ходимлар учун янада хавфсиз ва самарали иш шароитларини яратишга имкон яратди. Давлатимизнинг меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларини Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияси талаблари бўйича қўшимча ўзгартиришлар киритиш зарур деб ўйлаймиз. Хусусан, қарорларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўлган салбий жиҳатлар таҳлил қилиниши ва уларни бартараф этиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Шунингдек, халқаро тажрибалар асосида янги стратегиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, корхоналар учун қўллаб-қувватловчи тизимларни кучайтириш, молиявий ва бошқарув жиҳатидан ёрдам бериш каби ёндашувлар муҳимдир. Бу орқали давлатимизнинг меҳнат хавфсизлиги соҳасида ишчиларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлай олишига эришишимиз мумкин бўлади деб ҳисоблаймиз.